

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ

ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

“Ҳимояга рухсат этилсин”

Факультет декани

_____ **Пс.ф.н.доц.Н.Бекмуродов**

“ ____ ” _____ **2014 йил**

5140800 –Педагогика ва психология йўналиш

ҒОФУРОВА ОНАХОН ҚУРБОНБОЕВА

ЎСПИРИНЛАРДА АРМОН ҲИССИНИНГ

НАМОЁН БЎЛИШИ

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“Ҳимояга тавсия этилсин”

Психология кафедраси мудири:

проф.З.Т.Нишанова _____

пс.ф.н.доц.Н.Ғ.Камилова

Илмий раҳбар: психол.ф.д.,

“ ____ ” _____ **2014йил**

Тошкент- 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. АРМОН МУАММОСИНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	7
1.1. Армон инсониятнинг ушалмаган эзгу нияти тариқасида.....	7
1.2. Армон истиқбол ниятининг рўёбга чиқариш механизми сифатида	15
Боб бўйича хулосалар.....	26
II БОБ. АРМОН ҲИССИНИНГ ЎСПИРИНЛАРДА ЎРГАНИЛГАНЛИГИ.....	28
2.1. Армон хусусиятларининг тажрибада тадқиқ этилиши.....	28
2.2. Юқори курс талабаларида армоннинг намоён бўлиши.....	35
Боб бўйича хулосалар.....	38
III БОБ. АРМОН МУРАККАБ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА.....	40
3.1. Армоннинг тузилиши.....	40
3.2. Армон ва шахс хислатлари орасидаги боғлиқлик.....	45
Боб бўйича хулосалар.....	52
ХУЛОСАЛАР.	53
АДАБИЁТЛАР.....	55
ИЛОВАЛАР.....	61

КИРИШ

Мустақиликка эришганимиздан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби, таълим-тарбия тизимида ҳам туб бурилишлар юзага кела бошлади. Таълим тизимида ислоҳ қилинаётган ва унга алоҳида эътибор берилаётгани яққол сезилмоқда. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Буларнинг барчаси келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслини тарбиялаб етиштиришга қаратилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида шахс асосий категория бўлиб ҳисобланади. 1997 йилда Олий Мажлиснинг IX- сессиясида таълим- тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Ана шундай долзарб вазифани амалга оширишда ўзбек халқининг миллий- маърифий қадриятларини ўрганиш ва ундан баркамол авлодни шакллантириш учун фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, баркамол инсонни шакллантирмасдан туриб, жамиятни ҳозирги давр талаби даражасида ривожлантириб бўлмайди. Шу жумладан, президентимиз И.А.Каримовнинг ушбу фикрларини келтириб ўтиш ўринлидир :“Ақлий заковат ва руҳий- маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир”.

Ҳозирги даврдаги миллий тикланиш мафкураси шаклланаётган жамиятда, маънавий-ахлоқий муҳит соғломлашаётган, миллий қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эрки тикланаётган, иқтисодий куч- қувати намоён бўлаётган бир шароитда баркамол инсон деганда, ўзида ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий хислатларнинг мажмуини мужассамлаштирган, жамиятда ўзлигини ва ўз қобилиятини ҳар томонлама намоён эта оладиган, маърифатли, исломий ва дунёвий билимларни мукаммал

эгаллаган, ақлан етук, ахлоқан пок, жисмонан соғлом, ҳаёт гўзалликларини ҳис эта оладиган, эркин ижодкор шахс тушинилади. Бугунги кунда эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. “Бошқача айтганда – дейди президентимиз И.А.Каримов, - бу ўз ҳақ- ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айнаи замонда шахсий манфатларини мамлакат ва халқ манфатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, эркин, ҳар томонлама баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.”

Жамиятимизнинг ривожини ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ. Армон – шахс тараққиётини ҳаракатга келтирувчи куч бўлгани учун ушбу мавзу долзарб ҳисобланади. Армон ўзида эҳтиёж, мотив, ҳиссий, когнитив, иродавий ва регулятив жабҳаларни мужассамлаштиради. Ушбу муаммони кўпёқлама тадқиқ этиш ижтимоий заруратдир. Шунинг учун ҳам тадқиқот ишимизда шахснинг ушалмаган эзгу нияти сифатида ўспиринларда армон ҳиссининг намоён бўлишини ўрганишга аҳд қилдик.

Тадқиқот **мақсади:** ўспиринларда армон ҳиссининг намоён бўлишини ўрганиш.

Тадқиқот **объекти:** ТДПУ нинг ўзбек тили ва адабиёти факультети I, II, III, IV курс талабаларидир.

Тадқиқотнинг **предмети:** ўспиринларда армон ҳиссининг психологик хусусиятларидир.

Тадқиқотнинг фарази:

Ўспиринларда армон ҳисси намоён бўлишида қуйи ва юқори курс талабаларида фарқлар бўлиши мумкин.

Тадқиқотнинг **вазифалари:**

1. Мавзуга тааллуқли психологик, бадиий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

2. Тадқиқот учун методикаларни саралаш;
3. Эксперимент ишларини ўтказиш.
4. Олинган натижаларни математик - статистик методлар ёрдамида қайта ишлаш.

Тадақиқотнинг методлари:

1. Фаолият маҳсулини таҳлил қилиш.
2. Армон тўғрисида суҳбат уюштириш.
3. Ч.Осгуднинг “семантик-дифференциал” методикаси.
4. Математик-статистик методлар.

Тадақиқотнинг методологик асоси: Онг ва фаолият бирлиги принципи, фаолият назарияси (А.Н.Леонтьев), эҳтиёжлар иерархияси(А.Маслоу), муомалага тизимли ёндашув таълимоти, шахснинг эҳтиёжлар назарияси асос қилиб олинди.

Тадақиқотнинг назарий аҳамияти:

- Армон муаммосининг эҳтиёж генезиси ва мотивацияси, ҳиссий когнитив, регулятив таркиблари юзасидан назарий мушоҳадалар юритилганлиги.
- Армон таркиблари бўйича эмпирик натижалар олинганлиги ва интерпретация қилинганлиги.
- Ёш хусусиятлари жиҳатидан илмий натижалар билан психологиянинг бойитилганлиги.

Тадақиқотнинг амалий аҳамияти:

1. Армоннинг моҳияти тўғрисидаги материаллар билан талабаларни, ўқитувчиларни таништириш;
2. Шахс камолотининг ҳаракатлантирувчиси сифатида йўналтириш;
3. Армоннинг диагностикаси ва динамикаси юзасидан услубий тавсия ва кўрсатма тариқасида фойдаланиш;
5. Материаллардан маърузалар ва семинар машғулотлари ўтказишда қўллаш кабилар.

Илмий тадқиқотнинг янгилиги:

- армон мавзусининг назарий жиҳатдан психология фанида илк бор ўрганилганлиги.
- унинг таркиблари юзасидан маълумотлар психологик тавсифи берилганлиги.
- талабаларнинг шу мавзуга оид ёш тафовутлари очиб берилганлиги.

I-БОБ.АРМОН МУАММОСИНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1.Армон инсониятнинг ушалмаган эзгу нияти тариқасида

Ўзбек тили изоҳли луғатида армонга қуйидаги таъриф берилади. **Армон сўзи форсий тилидан олинган бўлиб, кучли истак, орзу деган маънони билдиради.** Армон ушбу луғатда икки маънода берилади. Биринчидан, кўнгилга тугилган, лекин ҳали юзага чиқмаган, амалга ошмаган, **орзу ният**. Икинчидан кўнгилга тугилган орзу ниятнинг рўёбга чиқмаслигидан **афсус-надомат(79,99).**

Инсон ҳаётида ижтимоий ҳодиса сифатида армон муҳим роль ўйнайди, уни фаолликка чорлайди, ҳаракат қилишга асосий туртки вазифасини бажаради. **Армон - инсон учун гўёки ушалмаган орзу, ғамгин ҳис-туйғуларнинг жонлашуви, комфортга интилишга даъват этувчи ҳиссиёт, ижтимоий ва яккаҳол турмушни баҳолаш мезони, фаоллика етакловчи мотив, ниятлар оғушига тортувчи доимий туртки, лоқайдликнинг олдини оловчи ички руҳий имкониятдир.** Шахс учун эйдетик образлар қанчалик аҳамиятга эга бўлса, барқарор из қолдирса, армон ҳам худди шундай хусусиятга эга бўлиб, улардан фарқли ўлароқ доимийлиги, устуворлиги, мақсадга ундовчанлиги билан юқорироқ нуфузга эга. Инсон, у энг мукаммал яратилган ер юзидаги тирик мавжудотлардан ўзининг кучли ҳис-туйғулари ва бу туйғулар ҳаётининг мазмуни бўлиши билан ҳам ажралиб туради. Инсон туғилиб, эсини таний бошлаганидан эътиборан қандайдир орзу-ниятлар қилади.

Инсоннинг бу дунёда ҳеч қандай мақсадсиз яшашидан ҳеч қандай маъно йўқ. У гўёки, тирик марҳум. Инсоннинг ушалмаган орзулари, ҳаётда йўқотган энг азиз нарсалари бу армондир.

Инсон туғилиб ўсади, вояга етади. У ҳаёти давомида кўпгина ютуқларга эришади, тўсиқларга учрайди. Ҳаёт йўли бири паст, бири баланд воқеаларга дуч келади. Инсон ҳаётда эриша олмаган, қила олмаган ишлари, эришмаган ютуқлари ёки камчиликлари бу армон бўлади.

Армон инсоннинг хотира омборида сақланиб, ҳар гал унда армоннинг чизгилари чизилганда, унинг руҳида маъносилар, имконлар оғуши, ҳаёт андуҳлари акс этади.

Армон – бу ушалмаган орзу. Ўз орзу- истакларига қайсидир томондан эриша олмаслик, “кўзлаган” нарсасига етиша олмаслик. Ҳар бир инсон дунёга келар экан. У улғаяди, ҳар томонлама ривожланади ва албатта ўз олдига қандайдир мақсадлар қўяди. Шу мақсад йўлида изланади. Ҳаракат қилади. Шуларнинг қайси биригадир эришади, қайси биригадир эса йўқ.

Армон қила олмай қолган ишимиз. Керак бўлган пайтда айтилмаган сўзларимиз. Армон- бу инсоннинг амалга ошмай қолган ширин орзуси. Армон доим қалбни қаттиқ кемириб турадиган аччиқ хотира.

Армон юракнинг туб-тубида яшириниб ётган бир тилсимдир. Бу тилсим кўзгусига ҳар қараганда кўнгилни кемириб туради. Инсон ўз турмуши давомида ташвишлар билан овора бўлиб, армонини маълум муддатгача унутади. Лекин ҳаёт сўқмоқларининг шундай жабҳалари борки, ўша инсон шу ташлаган қадамлари туфайли ўз армонини эслайди.

Армони бор одам аслида бахтли, армони борлиги учун у яшашда давом этапти, ҳаётда курашиб яшашни ўрганапти. Армон – ушалмаган орзулар сари дадил интилишига кўмак берадиган куч.

Армон сўзини дунёдаги ҳамма одам ҳар хил изоҳлайди. Аксарият кишилар ушалмаган орзуларини армон деб ҳисоблайдилар. Аксарият кишилар эса, армонга сабаб бўлувчи ҳодиса тўсатдан содир бўлиб, бир умр қалбида қолиб кетади. Бошқа кишилар бирор бир нарсга ёки даражага эришолмай, бу унинг қалбида армон бўлиб қолса, у энди қаттиқрок

ҳаракат қилади, олдинга интилади, йўлда қилган хатоси бўлса, уни қайтармасликка ҳаракат қилади.

Армон – бу инсон ҳаёти давомида етиша олмаган эҳтиёжидир. Армон кишиларнинг орзу- умидларига етиша олмаслиги, инсонни ҳаёти давомида моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондира олмаслигини тушунишимиз мумкин.

Армон – бу тирик инсоннинг ечилмаган муаммосидир. Инсон борки, унинг умр йўлида армон бекатлари мавжуд. Табиий ҳолки, бу армон азобидан тотиб кўришга мажбурдир. Ушалмаган орзулар гирдоби армон ҳисобланади.

Умр уммонида ярқ этган орзуларнинг вақт ўтиши билан уммон қаърига чўкиши армонни келтириб чиқаради. Ҳар бир тирик жоннинг кўксиде юраги уриб турган кишининг орзуси мавжуд бўлиб, унинг қанчалик реал ҳаётдан йироқлиги ва “орзулар осмонида” воқеликка ўтишининг мураккаблиги армонни келтириб чиқаради.

Армон шундай бир дардки, уни инсон юрагининг туб-тубида сақлайди. Энг муҳими армон кишининг фаолиятга ундаши ҳам мумкин. Армон инсоният билан ёнма-ён яшайдиган, ўтган ҳаётдан хулоса қилиб, кейинги ҳаёти учун ҳаракат қиладиган руҳий куч. Армон келажакдаги нур.

Инсон бир қизиқ мавжудотки, эриша олмаган нарсасига интилиб, уни қалбида ардоқлаб яшайди. Армон инсон томирида қони билан қўшилиб оқувчи кучдир. Инсон зоти борки, биринчи ўзи етиша олмайдиган ёки эришиши мумкин бўлган нарса, воқеа- ҳодиса ва инсон ҳақида орзу қила бошлайди.

Орзуси йиллар давомида умидга айланади. Умид сўнса, илинжга, сўнгра эришолмаган, етишолмаган орзу, яъни армонга айланади.

Армон- ўкинч. Армон инсонни қалбида тугиб қўйган ҳасратларининг очилмай қолган эшиги. Бу эшик қачонки армонлар рўёбга чиқсагина очилиши мумкин.

Инсон зоти дунёга келиб, бу дунёни тарк этар экан, ҳеч бир инсон армонсиз яшамайди. Ҳар бир инсон нимагадир бўлган эҳтиёжини қондира олмаслиги туфайли армон билан яшайди.

Армон бу ўз вақтида қилинмаган саъй - ҳаракатнинг умр бўйи қайтарилмаслигидир. Армон бу қилиниши керак-у, лекин бизда имкон бўлмай, ҳозиргача қилолмай қолган ишимиз. Армон кишини умр бўйи таъқиб қилиб келади. У қанчалик бу кунидан шод-хуррам бўлмасин, барибир юрагида бир кемтик, ўкинч, синиқлик бўлади, деб ўйлайман.

Машҳур шоира Турсуной Содикова армон ҳақида қуйидаги фикрларни билдирганлар: *”Ота-онамнинг норғул қирсиллаган пайтларини хотирамнинг жонли лавҳаларига ёзиб, асраб қололмаганим армон. Уларнинг узоқ-узоқ гапиртирмаганим, ҳикояларини обдон эшитиб қололмаганим армон. Ўзбекистонда бормаган шахрим қолмади, минглаб одамларнинг ғамларини кунлаб, ойлаб эшитиб юрдим. Аммо отам билан онамнинг ёнида бир соат ўтиришга ҳеч сабрим етмади! Онам: “Бир гаплашайлик, болам” деса ҳамиша шошилиб турдим. Дадам: “Ёшлигида бундоқ ишлар бўлар эди”, - деб гап бошласа, жоҳиллик билан “бунини аввал ҳам айтгандингиз-ку” - дея, сўзларини бўғзида тўхтатдим! Юраклари оқиб, ота-оналари, ёшликлари ҳақида ўт босди қилиб, бир гапириб ёзилай деса, яйрагани қўймаганим мен ақлсизни қандай кечирай?! Бундоқ ўйлаб қарасам, Мен биринчи даражали неъматларимни тинмай бой бериб, унча зарур бўлмаган юмушлар билан умримни ўтказиб келаверибман. Бугунги кунга келиб, қўлга киритган энг катта ўлжам Армон, Армон бўлиб турибди. Менинг чўнг армоним, ўзим ўзбек бўла туриб, яна шоир бўла туриб, Ҳазрат Навоийни лугат билан ўқиётганимдир.*

“Не бир дилбар дамлар бағрида яшаб, талай буюк инсонларни кўрганда, жаннатдай суҳбатлар қурилганда уларни ўшандай тафти билан дафтарларга ёзиб қўймаганим, қанчадан-қанча шеърлар битилмай қолгани армон!”, - дейди. (71, 56).

Дунё курилибдики, кишиларда армон бор. Армонсиз киши бўлмаса керак. Кимдир ота-онаси учун ҳеч нарса қилолмаганидан армонда, кимдир биринчи муҳаббатга етишолмаганидан армонда, кимдир олдига қўйган мақсади пуч бўлганидан армондадир.

Армон - бу икки томонлама тушунча. Биринчидан, у аччиқ ҳақиқатдир. Иккинчидан, армон бўлмаса инсонда қатъиятлилиқ ва ҳаётнинг қизиғи бўлмайди. Ҳеч кимда армон бўлмаса, ким йиғлайди. Ҳаётнинг шундай гўзал онлари, балки армон бўлмаганда, ҳеч ким ҳеч кимни соғинмай қўярдими? Лекин армон бу ҳаёт қонуни. Армон бўлгани яхши. Негаки, кейинги сафарга ҳаракатимизни армон бўлишига йўл қўймаймиз.

Психология фанида бир қатор ҳам миллий, ҳам умумбашарий хусусият касб этувчи тушунчалар, терминлар, атамалар сўз бирикмалари мавжудким, улар ўзларининг генезиси, хислати билан муайян даражада методологик ҳамда назарий аҳамиятга эга.

Бизнингча, ана шундай муҳим илмий тушунчалар қаторига психологиянинг тадқиқот предметиға айланмаган, қарийб ўрганилмаган армон атамасини киритиш мумкин. Армоннинг психологик моҳияти юзасидан айрим мулоҳозалар билдирилган, мушоҳадалар эса амалга оширилган бўлса-да, бироқ унинг тузилиши, шахснинг ҳаёти ва фаолиятидаги роли, камолотидаги аҳамияти тўғрисида фундаментал фикрлар, ғоялар илгари сурилмаган эди.

Армон психологик воқелик (реалия) сифатида инсоннинг турмушида, шахслараро муносабатида уни фаолликка етакловчи барқарор субъектив ички кечинма, туртки (мотив) тариқасида муҳим ўрин эгаллайди. Инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиётида якка шахсни гоҳ англанилган, гоҳо англанилмаган тарзда маълум хатти- ҳаракатларга ундовчи, субъектив омиллар таркибидан ажралиб чиқувчи, унинг ҳаловатини узлуксиз равишда бузувчи, ҳамиша интилишларга ундовчи,

босқичли тузилишларга эга бўлган феноменал ҳодиса армон деб аталади. Армон фазо ва вақт мезонларини ўзаро уйғунлаштирувчи, эзгу ниятлар ушалишини таъминловчи ҳис-туйғуларни мужассамлаштирувчи, назорат ва баҳолаш функцияларини бажарувчи ўчмас образларга асосланувчи кўпёқлама хусусиятли психологик категориядир.

Айрим халқлар, элатлар лексиконида қўлланувчи армон атамаси ўзининг келиб чиқиши, кечиши, ривожланиш босқичлари билан орзу, ўтмишнинг нотўқис жабҳалари тўғрисида ўчмас (барқарор) образлар, ачиниш туйғуси тариқасида гавдаланади. Эзгу ният ушалиши билан реал воқелик ўзаро уйғунликка эга эмаслиги, уларнинг рўёбга чиқишини таъминловчи механизм вазифасини бажаришга тўла ишонч ёки версия ҳам йўқ эканлиги туфайли армон вужудга келади ҳамда фаоллашади. Шахснинг имконияти интилиши билан иззатталаблиги босқичма-босқич рўёбга чиқиши оқибатида узлуксизлик билан узвийлик ўртасида мутаносиблик бузилиши натижасида инсонда қониқмаслик туйғуси туғилади ва у армонга айланади. Воқеликлар (ҳодисалар) баҳоланиши билан одамнинг интилиши билан талаблари орасидаги номутаносиблик қониқиш ҳиссини пасайтиради, шунингдек, жисмоний ва ақлий ҳаракатларни сусайтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, армон хотира жараёнини эйдетик образларига ўхшаш ўчмас из қолдирувчи, олдинги ҳодисаларни эслашга, унга эришишга шахсни ундовчи омил тариқасида инсонни ҳаракатлар сари етаклайди. Армонни узлуксиз ўчиб-ёниб турувчи светофорга қиёс қилсак, асло муболаға бўлмайди. Маълумки, инсон учун ўта аҳамиятли саналар, воқеалар тўғрисидаги образлар унинг хотирасидан сира ўчмайди, ўқтин-ўқтин ихтиёрий ёки ихтиёрсиз равишда қувончли дамлар қайтатдан гавдаланаверади.

Шу билан бирга нохуш ҳолатлар, кечинмалар, жазо чоралари, ушалмаган хоҳиш-истаклар, тасаввур образларининг тикланиши, ўчиши,

жонланиши мумкин. Ушбу психологик воқелик ассоциациялар ёрдами билан аналитик таҳлил қилиш жараёнида, хаёлпаршонлик ҳукмронлик қилганида уларнинг негизида вужудга келади. Армон категорияси ҳам шунга ўхшаш омиллар, механизмлар кўринишида намоён бўлиши кузатилади. Мазкур муаммо оммавий хусусият касб этиб, индивидуал, гуруҳий, миллий, умумбашарий жамоавий хатти-ҳаракатлардан қониқиш ёки қониқмаслик туйғусини ўзида мужассамлаштиради.

Э.Ғ.Ғозиев назарий фикр ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда армонни қуйидаги турларга ажратади: (80)

- ўтмишни акс эттирувчи армон;
- ҳозирги кеча- кундузни мужассамлаштирувчи армон;
- ўтмишни бўлғуси замонга кўчирувчи армон;
- идеалга ва комфорт ҳиссига ёндош армон;
- узлуксиз ҳаракатга ундовчи;
- динамик хусусият касб этувчи;
- шахсни жисмоний ва маънавий ҳаракатга етакловчи армон;

Шу билан бирга, армон инсон эҳтиёжини қондиришга қаратилган ҳаракатларнинг мажмуаси сифатида ҳам рўёбга чиқиши мумкин.

Эҳтиёжларнинг қайси кўриниши ёки тури бўлишидан қатъий-назар (хоҳ биологик, хоҳ маънавий) уларни қондиришга нисбатан жисмоний, ақлий ҳаракатларни йўналтиришнинг реал ёки хаёлий (фикрий) режаларини тузиш жараёни юзага келади.

Шахснинг хулқ-атворини амалга оширишдаги нуқсонлар ва уларни тузатишнинг имкони бўлмагани сабабли афсусланиш туйғуси негизидан армон туғилади. Чунки, ғавқулодда хулқни бошқариш уқувининг заифлиги, ўнғайсиз, қўпол феъл-атвор камчиликлари шахснинг мавқеи, обрўсига ҳалал бериш эҳтимоли мавжудлиги туфайли унинг инсоннинг ҳаловатини бузишда давом этаверади. Феъл-атвордаги олдинги нуқсонлар армонга айланади, инсон бундай

ҳодисадан афсусланади, бўлғусида ўз вақтида нохушликларнинг олдини олишга замин ҳозирлайди. Шунингдек, нафақат ўзига, балки ўзгаларга содир қилинаётган ҳодисалардан огоҳ этмаганлик оқибатида ҳам афсусланиш ҳиссига айланади, бу эса ўз навбатида армонни шакллантиради. Одатда йиқилгандан кулиш эмас, балки азобланувчига ҳамдардлик билдириш эканлигини англаш (тушуниш), ўринсиз (беҳуда) ҳаракатларнинг мавриди эмаслиги ўз вақтида баҳолай олмаслик оқибатида юзага келган ҳодисаларни афсус- надомат билан эслаш эса армон муаммоси реал воқелик эканлигидан далолат беради.

Армон муаммосининг психологик тузилиши **мотивацион, иродавий, эмоционал- ҳиссий, когнитив, регулятив** таркиблардан иборат бўлиб, ўтмишга (ўтмишга дахлдор армон), ҳозирги замонга (бугунги хоҳиш-истакларнинг рўёбга чиқмаслик сабаблари), келажакка (идеал интилишларни амалга оширишга алоқадор хатти- ҳаракатлар режалари) тааллуқли турткиларни, ижодий фикрлашларни, иродавий зўр бериш, ўз- ўзини бошқаришни амалга оширишни тақозо қилади.

Армон- инсон эҳтиёжини қондиришга қаратилган эҳтиёжларнинг мажмуаси. Эҳтиёжларнинг қайси кўриниши ёки тури бўлишидан бўлишидан қатъий назар уларни қондиришга нисбатан жисмоний, ақлий ҳаракатларни йўналтиришнинг реал ёки хаёлий режаларини тузиш жараёни юзага келади. Эҳтиёж- бу индивиднинг маданий даражаси ва шахсига мувофиқ тарзда специфик шаклни ўзига олган бирон-бир нарсани (муҳтожликни) инсон томонидан сезиладиган ҳисдир.

Психологларнинг фикрича, инсон физиологик ёки психологик муҳтожликни сезсагина эҳтиёжни ҳис этар экан. Шу кунгача эҳтиёжларни битта аниқ классификацияси мавжуд эмас. Аммо, кўпчилик психологлар эҳтиёжларни бирламчи ва иккиламчи эҳтиёжларга ажратадилар. Бирламчи эҳтиёжлар ўз табиатига кўра, физиологик, яъни туғма ҳисобланади. Иккиламчи эҳтиёжлар эса психологик ҳисобланади. Бирламчи эҳтиёж,

одатда, бизнинг ирсиятимизда жойлашган бўлади. Иккиламчи эҳтиёжлар эса тажрибалар орқали англанади. Инсонлар турли тажрибаларга эга бўлганликлари учун, улардаги иккиламчи эҳтиёжлар бир- биридан фарқ қилади.

Эҳтиёжларни бевосита кузатиш ва ўлчаш мумкин эмас. Уларнинг мавжудлигини фақат инсон хулқ- атвори орқали билишимиз мумкин. Психологлар инсонларни кузата туриб, улардаги эҳтиёжлар ҳаракат мотивига хизмат қилишини аниқлашган. Қачонки, инсон томонидан эҳтиёж ҳис этилса, у интилиш ҳолатини кўзғатади.

1.2. Армон истиқбол ниятининг рўёбга чиқариш механизми сифатида

Инсон ўзида ижтимоий аҳамиятга эга хусусиятларни мужассам этувчи, ижтимоий муносабатлар шахс ҳисобланади.

Шахс кўп даражали тузилмага эга. Шахснинг психик тузилишининг энг олий ва юқори даражаси – бу унинг эҳтиёж мотивацион соҳаси бўлиб, у ўзида шахснинг йўналганлигини, жамиятга, алоҳида одамларга, ўзига ва ўзининг ижтимоий ва меҳнатга оид мажбуриятларига бўлган муносабатларини мужассам этади. Шахс учун нафақат унинг позицияси, балки ўзининг муносабатларини амалга ошира олиш хосдир. Булар аввало, инсоннинг имкониятларини ривожланганлик даражасига, унинг қобилиятларига, билими ва билармонлигига ва унинг эмоционал иродавий ва интеллектуал хусусиятларига боғлиқдир.

Психик жараёнлар орқали индивид ўзини фаолият субъекти сифатида англаши бу ўз- ўзини англаш дейилади. Инсон ўзи ҳақидаги тасаввурлари “Мен” тасаввурида мужассамлашади.

“Мен” образи – бу нафақат шахснинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари ва тушунчалари бўлмай, балки у ижтимоий установка ва шахснинг ўзига бўлган муносабати ҳамдир. Юқорида айтиб ўтилганидек, “Мен” образи шахснинг статик эмас, балки динамик тузилиши ҳисобланади. “Мен” образи кечинмалар вақтида бошлаб, ўзи ҳақидаги тасаввурлари сифатида юзага келиши мумкин. Психологияда одатда бу реал “Мен”ни билдиради. Бу “Мен” доим ўзгариб туради. Масалан, мусобақадан олдинги “Мен” ва мусобақадан кейинги “Мен”, имтиҳондан олдинги “Мен” ва имтиҳондан кейинги “Мен” бир-биридан фарқ қилади. Бир вақтнинг ўзида “”Мен” образи, субъектнинг идеал “Мен”ни ҳисобланади. Яъни, атрофдагиларнинг кутилмалари ва ижтимоий нормаларга мувофиқ келиш учун, инсон қандай бўлиш керак ва бошқалар. Бу нарсаларга инсон доим интилади. Бундан ташқари фантастик “Мен” мавжуддир. Бундай ҳолатда инсон ўзининг реал имкониятларини ҳисобга олмай, ўзига шахсий ният, хоҳиш, истаклари орқали қарайди. Одатда фантастик “Мен” ўзи билан бирга “агарда” сўзларини олиб юради.

Бир вақтнинг ўзида барча “Мен” инсонда мавжуд бўлади. Агар бирор “Мен” бошқалари устидан ҳукмронлик қилса, бу унинг шахсида ифодаланади. Агарда шахсда устун бўлаётган ўзи ҳақидаги фантастик тасаввурлар ўзи билан ҳаракатларни ҳам намоён этмаса, яъни орзу қилинган нарсани рўёбга чиқармаслиги, инсон фаолияти ва онгида дезорганизация юзага келади. Масалан, ҳамма бир болани устидан кулиб масхара қилиши мумкин. Эндиликда, ўша бола кучли бўлишни ва унинг устидан куладиганларни жазолашни орзу қилади. Агарда бу орзулар қандайдир спор турига шуғулланиш орқали мустаҳкамланмаса, бунда охир-оқибат болага, унинг руҳиятига кучли таъсир кўрсатади. Яъни, кутилган нарса асл воқелик билан мувофиқ келмайди.

“Мен” образининг тўғрилигини даражаси, унинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлган, шахснинг ўзига нисбатан берган баҳоси

орқали аниқланади, яъни шахснинг ўзига, ўзининг имкониятларига ва хусусиятларига ва бошқа одамлар орасидаги ўрнига бўлган баҳоси. Ўз-ўзини баҳолаш бу “Мен” нинг зарурий “ҳамроҳи” ҳисобланади. Ўз-ўзини баҳолаш орқали шахс ўз хулқ- атворини бошқаради.

Биз доим ўзимизни амалга оширган нарсаларни, атрофдагиларнинг биздан кутган нарсалари билан солиштирамиз. Охир-оқибат инсон нимаики қилса, ҳатто унга бундай туюлмаса ҳам, буни ўзи учун ҳам, шу билан бирга бошқалар учун ҳам қилади.

Инсон ўзи кутаётган ва бошқаларда кўраётган нарсаларини бири-бирига қарши қўйиши натижасида, “Мен” га нисбатан баҳолар юзага келади.

Ўз-ўзини баҳолаш шахснинг интилиш (талабгарлик) даражаси ва ўз-ўзини баҳолашнинг кутилган, исталган даражалари билан узвий боғлиқдир.

Интилиш даражасини, инсон олдига қўйган мақсаднинг мушкуллик даражасида намоён бўлувчи, “Мен” образи даражаси деб ҳам номланади. Психолог Джемс қуйидаги формулани ишлаб чиққан. Яъни инсонни ўз-ўзини баҳолаши унинг интилишига боғлиқлигини кўрсатади.

$$\begin{array}{lcl} \text{Ўз-ўзини} & & \text{Омад, муваффақият} \\ \text{баҳолаш} & = & \text{-----} \\ & & \text{Уриниш, интилиш} \end{array}$$

Юқоридаги формула, ўз-ўзини баҳолашни юқори даражасига етказишнинг икки хил йўлини кўрсатади. Инсон максимал омадни бошдан кечириш учун интилишини кучайтириши керак. Ёки омадсизлик, муваффақиятсизликдан қочиш учун интилишини пасайтириши керак. Муваффақият орқали кўпинча интилиши янада қийин, мушкул

масалаларни ҳам ечишга тайёр бўлади. Шахснинг интилиш даражаси конкрет фаолиятда аниқ ва равшан аниқланади.

Муваффақият томон интилаётган ва муваффақиятсизликдан қочаётган инсонларнинг хулқ- атвори бир-биридан фарқ қилади. Кўпинча муваффақиятга асосланган инсонлар ўз олдига аниқ, маъқул мақсадларни қўяди. Ана шу мақсадга эришиш учун омад, муваффақият сифатида баҳоланади, кадрланади. Шунинг учун ҳам улар муваффақиятга эришиш учун бор кучлари билан ҳаракат қиладилар. Инсон фаолиятга аниқ тарзда киришади, мақсадига қисқа йўл йўл билан эришиш учун керакли восита ва усулларни танлайди. Муваффақиятсизликдан қочувчи инсонларнинг фаолияти мақсади муваффақиятга эришиш эмас, балки ундан қочиш бўлади. Уларнинг барча ҳаракатлари айнан ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилади.

Бундай инсонларга барча иш, айниқса муваффақиятсизликка яқин ишнинг барчаси салбий эмоционал кечинмаларни келтиради. Шунинг учун ҳам, инсон ўз фаолиятидан қоникмайди, қийналади ва ундан қочади. Одатда у ғолиб эмас, балки мағлуб бўлиб қолади. Бундай инсонларни кўпинча омадсизлар дейишади.

Инсоннинг муваффақиятга эришишига таъсир кўрсатадиган яна бир муҳим психологик хусусият бу ўз- ўзига қўйган талабидир. Ўзига юқори талабни қўйган инсон унчалик талаби юқори бўлмаган инсонга нисбатан, муваффақиятга эришишга кўпроқ ва кучли интилади.

Инсон ҳаётини кечиш шаклини аниқловчи ижтимоий муносабатлар, шахс томонидан анланган мақсадларни ташлашга эришиш жараёнида актив тарзда эгалланади. Активликни жадаллик билан йўналтириш инсонни ҳам ижтимоий субъект, ҳам ҳаёт субъекти сифатида мавжуд таснифи ҳисобланади ва у шахснинг индивидуал талантини танлаш имкониятини, рўёбга чиқариш жараёнидаги зўриқиш меъёрларини ҳам аниқлайди. Инсон ўз ҳаёт йўлини танлаши ҳар доим энг оддий

имкониятларда, то тақдирни қуришнинг конкрет вариантлари орқали амалга оширилади. Субъект ҳаёти психологиясида бу жараён оддий, нореал фантазиялардан аниқ ҳаётӣй мақсадларга ўтиш дея тасвирланган. Умуман олганда, ҳаёт йўлини ички субъектив образини доим алмашишиб турувчи ҳаётӣй мақсад ва режалар сифатида ва шахс хотирасида реал юз бераётган ҳаётӣй воқеалар сифатида тўпланувчи тарзида кўришимиз мумкин. Шахс ўзи истаган ва рўёбга чиққанларни бир- бири билан солиштириб, ҳаётда амалга оширганларини баҳолайди. Бу баҳо тақдирдан қониқиш (ёки қониқмаслик) ҳисси билан ифодаланади. Ҳаётӣй мақсадлар нафақат маълум субъект тақдирини ретроспектив тасдиқ этиш асоси сифатида эмас, балки улар субъект келажагини башорат қилишдаги муҳим асос сифатида намоён бўлади.

Агарда субъектнинг ҳаётӣй мақсадлари тузилиши ва структурасини, унинг вужудга келиш кетма- кетлигини рўёбга чиқариш даражаларини таҳлил қилар эканмиз, бизда шахснинг турли ҳаёт йўли даражаларида характер ўзгаришларини, ҳаётӣй мақсадларини рўёбга чиқариш ўзаро муносабатда бўлувчи индивидуал шахсий хусусиятларнинг тартиби ва ривожланиш даражаларини аниқлаш имкониятлари туғилади. Мана шу нарсаларнинг барчаси шахс ҳаётӣй мақсадининг тузилиши ва динамикасидаги ўзгариш муаммосига қизиқишни янада оширади.

Инсоннинг фаолият субъекти сифатидаги асосий тавсифлари қаторига унинг бу соҳадаги тараққиётининг маҳсули – онги (объектив фаолиятнинг инъикоси сифатида) ва фаолияти (воқеликнинг ўзгартирувчиси сифатида) киради. Инсон амалий фаолиятнинг субъекти тарзида унинг шахсий фазилатлари ва хислатларини тавсифлабгина қолмайди, балки меҳнатнинг техник воситалари ва технологияси, уларнинг кучайтирувчанлик ва яратувчанлик функциялари сифатида юзага келади. Амалий фаолият умуминсоний ва якка шахс тажрибасининг бир қисми тариқасида, эгалланилган, ўзлаштирилган, пухта тажрибадан

фойдаланиш сингари намоён бўлади. Назарий фаолиятнинг субъекти бўлмиш инсон ўзининг билимлари, касбий кўникмалари, ақлий малакалари билан тавсифланади, қайсики улар ўзига хос аломатлар билан бевосита боғлиқдир. Ақлий фаолият ижодиёт даражасига ўсиб ўтиши натижасида ижодий маҳсуллар, янгиликлар, қонуниятлар вужудга келади ва жамият тараққиётини ҳаракатланувчи кучига айланади. Аждодлар мероси ва авлодлар салоҳияти маҳсуллариининг узвий боғланиши назарий ва амалий фаолиятнинг ўзаро уйғунлашувини тақозо этади, ваҳолангки ҳар иккала фаолият турида ривожини таъминлайди. Фаолият тажрибалар билан узвий боғланилса, унинг самардорлиги, мақсадга йўналганлиги, амалга ошиш имконияти юксак босқичга кўтарилади.

Э.Ғ.Ғозиевнинг фикрича, армон психологик воқелик (реалия) сифатида инсоннинг турмушида, шахслараро муносабатида уни фаолликка етакловчи барқарор субъектив ички кечинма, туртки (мотив) тариқасида, муҳим ўрин эгаллайди. Инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиётида якка шахсни гоҳ англанилган, гоҳо англанилмаган тарзда маълум хатти-ҳаракатларга ундовчи, субъектив омиллар таркибидан ажралиб чиқувчи, унинг ҳаловатини узлуксиз равишда бузувчи, ҳамиша интилишларга ундовчи, босқичли тузилишга эга бўлган феноменал ҳодиса армон деб аталади. Армон фазо ва вақт мезонларини ўзаро уйғунлаштирувчи, эзгу ниятлар ушалишини таъминловчи ҳис-туйғуларни мужассамлаштирувчи, назорат ва баҳолаш функцияларини бажарувчи ўчмас образларга асосланувчи кўпёқлама хусусиятли психологик категориядир(82).

Талабаларга фан асосларини эгаллашдаги қийинчиликлар, касбий тайёргарликдаги мураккаб жараёнлар, олий таълимдаги объектив ва субъектив тўсиқлар ўзлаштирмовчиликни (ўзлаштирмовчиларни) келтириб чиқаради. Ўқитувчи билан талабалар ҳамда талабалараро муносабатдаги ўзаро тушуниш, ўзаро ёрдам жараёнларининг заифлиги,

ҳамкорликнинг бўшлиғи ўқув фаолияти самарадорлигини пасайтиради. Бундай нохуш кечинмалар ва ҳодисаларнинг узлуксиз равишда такрорланиши сабабли талабалар кайфиятини тушириб юборади, ўзига ишончни кучсизлантиради ва бу туйғу армонга айланади. Ушбу одатий ҳолатнинг олдини олиш (бартараф этиш) учун ўтказилган тажриба натижалари негизида ишлаб чиқилган тавсиялар моҳиятидан намуналар келтирамыз.

1. Касбий кўникмалар ва билимларни пухта, мантикий кетма-кетликда ўзлаштириш билан қаноат ҳосил қилишдан чекланиб қолмасдан, балки уларнинг мазмунан тўла, шаклан ранг-баранг кўринишларини эгаллашга интилишга ўргатиш лозим. Олий таълим муҳитига нисбатан мотивациянинг заифлиги, шароитларга мослашувнинг қийин кечиши касбий тайёргарликка салбий таъсир ўтказади. Кейинчалик шахслараро муносабатлар ижобийлашуви натижасида ҳамкорлик (ўқитувчи билан талабалар ва талабаларнинг ўзаро) фаолиятидаги нуқсонлар камайиб боради.
2. Талабаларда мустақил билим олишга уқувчанлик (қобилияти)ни таркиб топтириш лозим, бунинг натижасида: а) ўқишга нисбатан маъсулият, жавобгарлик туйғулари барқарорлашади; б) бўлғуси мутахассис касбий тайёргарликни чуқур англаган ҳолда бурч ҳисси, ватанпарварлик туйғусини ўзида мужассамлаштириш натижасида талабанинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, тараққиёт учун аҳамиятини тушуна бошлайди. Ўқитувчи билан талабалар ҳамкорлик фаолияти уларда диққатни, иродавий хислатларни, когнитив имкониятларни, юксак хислатларни, ўз-ўзини бошқаришни муайян объектга тўплашни рўёбга чиқаради.
3. Талабаларни мустақил билим олишга ўргатиш уларда ижодий фикрлаш уқувини таркиб топтиради. Муаммоли ўқитиш, эвристик ёндашув,

омилкор таълим усуллари эгаллаш теран, мантикий, дискурсив фикрлашни шакллантиради. Чунки олий таълим тизимида тараққиёт ўқитишни ўз кетидан етаклайди, ўрта мактабда эса бу жараён аксинча кечади. (80)

Таълим жараёнида талабаларни касбий материалларни ва малакаларни эгаллашнинг йўл-воситаларига ўргатиш орқали армон туйғуси тонусини пасайтириш имкониятига эришилади.

Бироқ армон муаммоси психологик тузилиши жиҳатидан мураккаблиги туфайли уни мотивацион, эмоционал-ҳиссий, иродавий, когнитив, регулятив нуктаи-назаридан тадқиқ этиш шахснинг фаоллигини оширишга, мустақил, ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Изоҳли луғатда таъкидланганидек, армон орзу ният шаклида ҳам намоён бўлиши мумкин. Орзу эса хаёл турларидан биридир. Хаёл бу – образ, тасаввур ёки ғоя шаклида янги нарсанинг яратилиши, онг фаолияти, яъни илгари идрок қилинмаган нарсаларнинг образларини мавжуд тасаввурлар асосида мияда яратишда ифодаланадиган фаолиятдир. Хаёл актив ва пасив деб иккига бўлинади. Пассив хаёл амалга ошмайдиган хаёлдир. Унга фантазия ва туш кўришни мисол сифатида келтириш мумкин. Актив хаёл амалга ошириш билан ажралиб туради. Актив хаёлга қайта тикловчи ва ижодий хаёл киради. Қайта тикловчи хаёл бу ўз асосида тасвирига мувофиқ келадиган образлар системасини яратувчи хаёл қайта тикловчи хаёл деб аталади. Ижодий хаёл оригинал ва қимматли моддий маҳсулотларда амалга ошириладиган янги образларнинг яратилишини тақозо қилади. Ижодий фаолиятга ҳамма вақт фантазия қўшилган бўлади. Бироқ ҳамма вақт ҳам одамнинг амалий ҳаракатларида хаёл жараёнлари дарҳол амалга оша бермайди. Кўпинча хаёл жараёнлари одам амалга оширишни истайдиган тимсоллар шаклига,

яъни алоҳида ички фаолият шаклига кириб олади. Ана шундай одам келгусида хоҳлайдиган тимсолларини орзу деб аталади. Орзу одамнинг воқеликни ўзгартиришга қаратилган ижодий кучларини ҳаётга тадбиқ қилишнинг зарур шартларидандир. Орзу ҳаётни илмий кўра билишнинг элементиدير. Ҳаётни олдиндан кўра билиш, хусусан халқ хўжалигини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга.

Шунинг билан бирга батамом тугалланиши бирор сабабга кўра кечиктирилган фаолиятга ундовчи сабаб ёки мотив сифатида намоён бўлади. Мана шунинг учун ҳам инсон қўли билан қилинган ҳар қандай нарса ўзининг тарихий моҳияти жиҳатидан моддийлаштирилган, амалга оширилган инсон орзусидир.

Одамнинг амалий ишлаб чиқариш фаолиятида фантазиянинг роли катта, лекин ҳамма вақт ҳам сезиларли бўлавермайди. Исталган, ҳатто энг оддий нарсалар (электр чироғи, авторучка, елим шишаси, устара тиғи, циркуль ва ҳоказолар) да ҳам шу нарсаларга нисбатан кучли эҳтиёж сезган жуда кўп авлодларимизнинг орзулари маълум даражада гавдаланганини кўрамиз. Нарсанинг тарихи қанча узун бўлса, у қанча кўп ўзгарган бўлса, бу нарсада одамларнинг шунча кўп орзулари қайд қилинган бўлади. Амалга оширилган орзу янги эҳтиёжни юзага келтиради, янги эҳтиёж эса янги орзунини туғдиради. Даставвал ишлаб чиқариш фаолиятида қўлга киритилган ҳар бир янгилик, янги нарса такомиллашгандек бўлиб кўринади, лекин уни ўзлаштира борган сари камчиликлари кўриниб қолади ва одамлар янада яхши нарсаларнинг юзага келиши жараёнига туртки берадилар. Бундан тўрт асар муқаддам оддий дераза ойнаси амалга ошириб бўлмайдиган орзу эди; деразаларга буқа пуфагидан қилинган нарса тортиб қўйилар ва у ёруғликни сал-пал ўтказар эди. Ўша даврларда худди сув ва ҳаво каби ёруғликни ўтказадиган тиниқ материал ҳақида фақат орзу қилиш мумкин эди. Ойна тайёрлаш технологиясини

такомиллаштириш оқали мана шундай тиниқ материал олишга муяссар бўлинди.

Шахс мотивацион соҳасига кирувчи психологик тузилмалардан бири орзудир. С .И.Ожегованинг рус тили изоҳли луғатида орзу хоҳиш, тилак, фикран тасаввур қилиш, хаёл предмети сифатида таърифланади. Лекин орзунини бундай тушуниш унинг бошқа хоҳиш турларидан фарқини ажратиб бермайди.

К.К Платонов (1986) орзу – исталган образларни яратувчи хаёл деб ёзганида ушбу фикрларни такрорлаган эди. Бошқа психологик луғатларда бу феномен ҳақида умуман тўхталинмаган. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, психологлар қандайдир сабабларга кўра ундан узоқроқ юришни афзал кўрадилар. Чунки улар орзуга илгаригидек муносабатда бўлишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Машҳур француз психологи Т.Рибо (1886) таъкидлашича, сентиментал инсонларгина орзу қилади. Қизиққон инсонлар эса орзу қилишмайди.

Хорижий адабиётларда орзунинг функцияси ва моҳияти психоаналитик ва бихевиористик нуқтаи назардан реал ҳаракатларни, ҳулқ-атворни алмаштириш сифатида, катта хавф-хатар ва тўсиқ билан боғлиқ ҳолат сифатида талқин этилади. С.Фешбах (1970) кўрсатишича, “агрессив орзулардан сўнг ҳақиқий агрессивлик камаяди. Шундай қилиб, хорижий психологияда орзу вужудга келган эҳтиёж билан боғлиқ зўриқишни камайтириш, эҳтиёжнинг квази қондирилиши сифатида тушунилади.

Б.И.Додонов орзунинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатади: у ҳар доим хаёлда исталган келажак оруларини пайдо қилиб намоён бўлади; ёрқин ҳиссий жиҳатга эга: анланган ва шахсда қатъий мустаҳкамланган, яъни барқарор ҳислат. Бу субъект томонидан ҳар

томонлама баҳоланган, унинг бошқа интилишлари билан таққосланган истакдир.

Кўпчилик психологлар орзунинг хаёл билан алоқасини таъкидлаб, мотивация эмас, балки хаёл тури сифатида баҳолайдилар. Албатта, бунинг учун асослар мавжуд, чунки инсон орзуси орқали нафақат эҳтиёжини қондириш йўллари режалаштирибгина қолмасдан (Б.И.Додонов бўйича орзу - режа), мотивдан ташқарига чиқиб, хаёлий фаолликдан қониқиш ҳосил қилади. Юқорида таъкидланганидек, хорижий психологияда орзу ҳиссий зўриқишни бартарф этиш усули сифатида қаралади (Т.Шибутани, 1969), ҳақиқий фаолият қандайдир сабабга кўра амалга ошмаганда тўлдирувчи функцияни бажаради. Т.Шибутанининг таъкидлашича, орзу кучсиз умидларни кўллаб - қувватлаш, тўлиқмаслик ҳиссини ккммайтириш ёки у ёки бу хафагарчиликни камайтириш имконини беради.

Б.И.Додонов бу билан боғлиқ равишда болалар ва ўсмирларга хос бўлган орзу- ўйинни ажартиб кўрсатади, - ўйинда тилак предмети шунчалик нореал бўладики, унинг амалга ошмаслигини орзу қилаётганлар ҳам билади.

(Фантазия-армон ҳақида гап кетмоқда). Болалар ва ўсмирларда бундай орзуларни ўзини босиш учун қиладилар. Амалга ошмайдиган орзулар катталарда ҳам бўлиши мумкин. Собиқ Иттифок психологиясида амалга ошмайдиган орзуларга салбий муносабат билдиришган, уни бекорга, натижасиз, асоссиз, орзу қилиш деб ҳисоблашган. Чунки уни ўз Ватани равнақи учун яратувчанлик меҳнат қилишдан чалғитади, инсонни ҳақиқий дунёдан хаёлий дунёдаги ҳаётга алмаштиради, деб ҳисобланган. Б.И.Додонов фантазияга бундай муносабатнинг нотўғрилигини кўрсатади. Унинг таъкидлашича болалик,

ўсмирлик, ўспиринлик даврида фантазия ўзига хос ўйин бўлиб, ривожланаётган шахс руҳий ҳаётининг зарурий элементиدير. Ҳар бир инсон ўз тараққиётида болаларча орзу қилиш босқичидан ўтади. Ёш ўтиши билан ўйин-орзу (фантазия) орзу-режага ўтиши, яъни мотивацион-установка бўлиши муҳим. Бу эса ота-оналар ва педагогларнинг муҳим вазифасидир. Бола орзу қилиб, мотив қуришни ўрганади, эғтиёжни қондириш йўллари ва воситаларини топади. Орзу-қилиш мотивацияни машқ қилишдир.

Боб бўйича хулосалар

Ўзбек тили изоҳли луғатида армонга қуйидаги таъриф берилади. Армон сўзи форсий тилидан олинган бўлиб, кучли истак, орзу деган маънони билдиради. Армон ушбу луғатда икки маънода берилади. Биринчидан, кўнгилга тугилган, лекин ҳали юзага чиқмаган, амалга ошмаган, орзу ният. Икинчидан кўнгилга тугилган орзу ниятнинг рўёбга чиқмаслигидан афсус-надомат.

Инсон ҳаётида ижтимоий ҳодиса сифатида армон муҳим роль ўйнайди, уни фаолликка чорлайди, ҳаракат қилишга асосий туртки вазифасини бажаради. Армон - инсон учун гўёки ушалмаган орзу, ғамгин ҳис-туйғуларнинг жонлашуви, комфортга интилишга даъват этувчи ҳиссиёт, ижтимоий ва яққаҳол турмушни баҳолаш мезони, фаоллика етакловчи мотив, ниятлар оғушига тортувчи доимий туртки, лоқайдликнинг олдини оловчи ички руҳий имкониятдир.

Армонни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- ўтмишни акс эттирувчи армон;
- ҳозирги кеча- кундузни мужассамлаштирувчи армон;
- ўтмишни бўлғуси замонга кўчирувчи армон;

- идеалга ва комфорт ҳиссига ёндош армон;
- узлуксиз ҳаракатга ундовчи;
- динамик хусусият касб этувчи;
- шахсни жисмоний ва маънавий ҳаракатга етакловчи армон;

Армон муаммосининг психологик тузилиши мотивацион, иродавий, эмоционал- ҳиссий, когнитив, регулятив таркиблардан иборат бўлиб, ўтмишга (ўтмишга дахлдор армон), ҳозирги замонга (бугунги ҳошиш – истакларнинг рўёбга чиқмаслик сабаблари), келажакка (идеал интилишларни амалга оширишга алоқадор хатти-ҳаракатлар режалари) тааллуқли турткиларни, ижодий фикрлашларни, иродавий зўр бериш, ўз- ўзини бошқаришни амалга оширишни тақозо қилади.

Шундай қилиб, армон мураккаб категория бўлиб, бир томондан, орзу сифатида, хаёл жараёнига кирса, иккинчи томондан ҳаракатга ундовчи куч сифатида мотивацион ва иродавий томонлари мавжуд. Учинчи томондан орзунинг ушалмаслиги сифатида ҳиссиётни акс эттирса, тўртинчи томондан эҳтиёждар, мақсадларнинг амалга ошиши сифатида фаолият категориясига яқин туради. Бу эса биз тадқиқотимизда ўрганмоқчи бўлган армон категориясининг нақадар мураккаблигидан далолат беради.

ПБОВ. АРМОН ПСИХОЛОГИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ ЎСПИРИНЛАРДА ЎРГАНИЛГАНЛИГИ

2.1. Армон хусусиятларининг тажрибада тадқиқ этилиши

Биз тадқиқотимизда ТДПУ ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 1-4 - курс талабаларида армон категориясининг психологик хусусиятларини ўргандик. Улардан иншо тариқасида турли хил саволларга жавоб олинди. Талабаларга “Сир бўлмаса армонингиз билан ўртоқлашсангиз” деб савол берилганда, улардан турли хилдаги жавобларни олдик.

Авваламбор, бу савол орқали биз талабалар орасидаги армоннинг турларини аниқлаш, яъни уларни таснифлаш ва армоннинг ёш давр фарқларини аниқлаш асосий мақсадимиз эди.

1- курс жами 30 талаба мавжуд бўлиб, уларга : “Армонингиз нима ?” дея мурожаат қилдик. 1- курс талабалари орасида 7 хил армон турлари фарқланди. Булар қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

1-курс талабаларининг армонлари

2.1-жадвал

	Армон турлари	%
1	Биринчи муҳаббатим	10.2%
2	Ўқишга кеч кирганим	6.12%
3	Бошқа касбни танлаганим	18.36%
4	Бюджетга ўқишга кирмаганим	8.16%
5	Яқин кишимни йўқотганим	12.24%
6	Хом- ҳаёл армонлар	12.24%
7	Узр сўрай олмаганим	2%
8	Армоним йўқ	32.6%

Ўз жавобларида “Бошқа касбни танлаганим армон”,- дея жавоб берган 1- курс талабалари 18.3 % ни ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги

турли вазият, шароит сабабли, ўзлари севган, орзу қилган касбларини танлашмаганини ёзиб ўтишган. Кўпчилик талаба айнан ота- онасининг хоҳиши билан ўқитувчилик касбини танлаганини ёзиб ўтишган. Ана шу иншоолардан мисоллар келтирсак, улар қуйидагилар: “ Мен бир нарсаларни армон қиламан. Ўқишга топшираётганимда адашганман. Ўзим ҳоҳлаган жойга кирмаганман. Мен ўз севимли касбимга эришишни ҳоҳлайман. Мен журналист бўлишни орзу қилгандим. ”-, дейди М. исмли талаба. Яна Г. исмли қизнинг айтишича: Мени ўзим кўп касал бўлганим учун, ҳеч кимни касал бўлишини ҳоҳламас эдим. Агар касал бўлиб қолса, ўша вақтда ёрдам бериш учун, жонига оро бериши учун шифокор бўлмоқчи эдим”. “Ёшлигимда ҳуқуқ соҳаси бўйича таълим олмоқчи эдим. Афсуски ота-онам бунга қарши чиқишди, буёғи ҳам иложи йўқ. Мана шу менинг армоним”-, дейди Ф.

Талабалар орасида яқин кишисини йўқотгани армон деб билганлар 12.24 % ни ташкил этади.

Улар ёшлигида отасини йўқотиб қўйганлар ва яқин кунларда севимли буви- буваларидан айрилиб, уларни ўқишда бўлиб, сўнгги бора кўра олмаганлар гуруҳидир.

Қуйида улардан мисоллар келтирамиз: М-дейди:”Менинг бу дунёда катта армоним бор. Бу ҳам бўлса, отамнинг ёшлигимда ёруғ дунёни тарк этганлари. Мен орзу қилган университетимга кириб, талабаликнинг олтин даврини гоҳи қувониб, гоҳида қийналиб сураётган гаштимни кўрмаётганликлари. Мен бу дунёнинг шавқатсизлигидан хафа бўламан. Ахир ўртоқларимнинг отаси тўғрисида ғурурланиб гапиришидан мен ўксинаман. ”

Г. исмли талаба:”Менинг катта армоним – бувижоним Азизанинг сўнгги сўзини эшита олмаганим. Бувижонимга катта меҳр қўйгандим. Мен учун ҳозир ҳеч нарсани қизиғи қолмаган, баъзан ўзим ўтириб бувижонимга хатлар ёзаман. У хатларимда қандай яхши кўришимни

ёзаман. Бувижонимга бўлган меҳрни ифода эта олмаганим, ўзимнинг вақтимни қизганиб бормаганим учун ўзимни кечира олмайман”-, дейди.

1-курс талабалари орасида ўзларининг муҳаббатларига эриша олганликлари армон деганлар 10.2 % ни ташкил этади. Тўғри биз тадқиқот объекти қилиб олган талабалар илк-ўспиринлик даврида бўлиб, улар айнан севиб, севилишади. Шунга қарамасдан 1- курс талабалари орасида бу кўрсаткич анча паст. Иншоларда ҳар бир талаба айнан шу мавзудаги армонлари жуда-жуда чиройли изоҳлаб беришган. Мана уларда мисоллар: Д исмли қиз шундай дейди: “Бундан уч йилча олдин, мен бир инсонни севиб қолдим, у ҳам мени. Лекин биз яқин қариндош эдик. Осмоним, қалбим мусаффо эди. Биз оқшомлари юлдуз санардик, қора тунда шеърлар ўқирдик. Мен бахтли эдим. Дунё жуда чиройли эди мен учун. Лекин, шу дунёим бир зумда остун-устун бўлиб кетди. У билан мени ажратдилар. Бу керак эди. ”

1-курс талабалари орасида мавжуд бўлган армоннинг яна бир тури бизни ўзига жудаям тортди. Бу уларнинг бюджет асосида ўқишга қабул қилинмаганликлари бўлиб, бу армон тури айнан бошқа курс талабаларида умуман учрамаган. Бу армон тури 1-курс талабалари орасида 9 % ни ташкил этади.

Бундан ташқари, талабалари орасида ”Узр сўрай олмаганим армон”-, деганлар 2 % ни ташкил этади.


Албатта, талабаларга биз томондан берилган: “армонингиз нима? ” - деган саволга барча ҳам ўз армонларини ёзгани йўқ. Улар: “Менинг армоним йўқ,- дея қатъиян фикр беришган. Бундай талабалар 1- курс ичида 32.6 % ни ташкил этади. Бу юқори кўрсаткич бўлиб, айнан 1- курс талабаларига нисбатан кўплиги билан аҳамиятга эга. 1- курс талабаларининг кўпчилиги шундай дейишган: “Мен ҳали ёшман менда ҳали армон умуман

йўқ. Орзуларимга секин - аста эришмоқдаман. ” Балки бу ҳақиқатда ҳам худди шундай ёки бу талабалар армон тушунчасининг моҳиятини тубдан англашмайди. Уларнинг наздида, - армон- умуман ҳеч қачон ушалмайдиган, хатто ушалишига имконият мавжуд бўлмаган орзулар тариқасида тушунилади. Аммо бизнинг фикримизча, армон – ўз вақтида қондирилмаган эҳтиёждир.

Бу гуруҳ талабалари орасида: “Тўғри бир вақтлар менда армонлар кўп эди. Сабаби мен ўқишга бир йил олдин топширганимда, кира олмаган эдим. Сўнгра мен орзуларим яна армон бўлмасин деб, ўқидим, изландим ва талаба бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Энди менда ҳозир армон умуман йўқ!”-, деганлари ҳам мавжуд.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги фикрлар ўтмишни акс эттирувчи армон бўлиб, улар айтилган вақтда 1- курс талабаларининг кўпчилигини ҳозирги кеча-кундузни мужассамлаштирувчи армонларига крмайди. Шунинг учун бўлса керак, улар: “Армоним йўқ”-, дея қатъиян айтишган. Аслида уларда бу тушунча қачонлардир мавжуд бўлган.

Биринчи курс талабаларининг армонлари ҳақида аниқроқ тасавур ҳосил қилиш учун қуйидаги диаграмаларни ҳосил қилдик.



1-расм. 1-курс талабаларидаги армон турлари.

Энди 2-курс талабаларининг жавоблари билан танишиб чиқайлик. Улар орасида армоннинг 5 тури фарқланди. У қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

2-курс талабаларининг армонлари

2.2- жадвал.

	Армон турлари	%
1	Яқин кишимни йўқотганим	36.6
2	Биринчи муҳаббатим	18.1
3	Бошқа касбни танламаганим	18.1
4	Фанларни яхши ўзлаштирмаслигим	18.1
5	Ўқишга кеч кирганим	9


Биз армоннинг баъзи турларини 2- курс талабаларининг иншолари мисолида изоҳлаб бердик. Энди айнан улар томонидан фикр билдирилмаган, изоҳланмаган армон турларига тўхталамиз.

“Фанларни яхши ўзлаштирмаслигим” билан боғлиқ армон. Бу аслида биз томонимиздан умумий қолипга солинган. Уларнинг фикрича, улар яхши ўқимаслиги, аслида имконияти, қурби кўп нарсга етса ҳам, уларнинг ҳоҳиши қондирилмаётган экан. Улар ўз ота-оналари ҳоҳлагандай фарзанд бўла олмаётганини айтиб ўтишган.

Бундай фикрларни билдирган талабаларнинг армони ҳозирги кеча- кундузни мужассамлаштирувчи армон турига киритсак бўлади.

Бундан ташқари улар орасида “Армоним йўқ” деганлари учрамаган.

Иккинчи курс талабаларининг армони ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги гистограммаларни ҳосил қилдик.



2-расм. 2-курс талабаларидаги армон турлари.

Юқоридаги диаграммада яқин кишисини йўқотганлиги ҳақида армон курс талабаларида энг кўп тарқалган армон тури эканлиги яққол кўриниб турибди. Юқоридаги расмда яқин кишисини йўқотганлиги ҳақида армон 2-курс талабаларида энг кўп тарқалган армон тури эканлиги яққол кўриниб турибди.

1- курсларида кўпчилик талабалар ўз армонини ўқиш билан боғлаб изоҳлашган. Бюджет асосида ўқишга қабул қилинмаганликлари, биринчидан, улар орасида бу армон турининг кўрсаткичи кўп. Иккинчидан, бу армон тури қолган курс талабаларида учрамаган.

- 1- курсда армон тури қисқарган.
- 2- курс талабаларидаги жавоблар шуниси билан аҳамиятлики, улардан бошлаб, хатто магистрларда мавжуд армон, яъни буви- буваларидан олинган дуоларининг камлигини мавжудлигидир. 1-курс магистрларида бу армон тури юқори кўрсаткични кўрсатмоқда. Умумий қилиб олганда, талабалар ўз орзуларига етишиш учун қилган ҳаракатларини қуйидагича баҳолашган. Баъзилар умуман, ҳеч қандай ҳаракат қилмаганликларини, тақдирга тан беришган бўлса, баъзилар қўлларида келган барча нарсани қилганликларини, энди эса ҳеч ҳам илож, имконият йўқлигини айтиб ўтишган бўлишса, баъзилари ҳали ҳам курашиш йўлида эканликларини айтиб ўтишган.

2.2. Юқори курс талабаларида армоннинг намоён бўлиши

Тадқиқотда қуйи курс талабалари билан биргаликда юқори курс талабаларида ҳам тадқиқот ўтказдик. Энди 3- курс талабаларининг армон турларини кўриб чиқайлик. Улар орасида 6 хил армон турлари фарқланди. Улар қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

3- курс талабаларининг армонлари

2.3- жадвал

	Армон турлари	%
1	Бошқа касбни танлаганим	50
2	Биринчи муҳаббатим	18.7
3	Буви- буваларимнинг дуоларини кам олганим	12.5
4	Ўқишга кеч кирганим	6.2
5	Яқин кишимни йўқотганим	6.2

6	Фанларни яхши ўзлаштирмаслигим	6.2
7	Армоним йўқ	12.5

3- курс талабалари ҳозирда ўзлари ўқиётган, таҳсил олаётган касбидан унчалик қониқмаётганга ўхшайди. Сабаби уларнинг 50% и худди шундай фикрда. Улар тақдир натижасида ёхуд ота-онасининг мажбурлаши орқали ёхуд уларнинг орзусини рўёбга чиқариш учун бу касбни танлаганликлари айтиб ўтилган.


Кўпчилик улар орасида: ”Ота-онам ёшлигимда мени ўқитувчи бўлишимни орзу қилганлар. Мен уларнинг раъйига қарши боролмай, уларнинг орзуларини армонга айлантирмаслик учун, ўз орзуларимдан воз кечиб, ушбу касбни танладим ”- , деганлари ҳам бор. Кимдир ҳозирда таҳсил олаётган билим юртидан қониқмоқда, кимдир эса йўқ. Уларнинг айтишича, бу уларнинг ўзлаштиришига таъсир кўрсатиб, уларни ўқишига ҳалал бермоқда. Бу эса уларда фанларни яхши ўзлаштирмаслик билан боғлиқ армонни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бу кўрсаткич – 6.2 % ни ташкил этади. 3- курс талабаларида “Биринчи муҳаббатимга етиша олмаганим армон”-, деб ҳисоблаганлар 18.7% ни ташкил этади. Бу қолган курс кўрсаткичларига нисбатан кўпроқ.

Бундан ташқари 3-курс талабалари орасида ўзларининг буви-буваларидан дуоларини кам олганлари, энди бунинг иложи йўқлигини айтиб ўтишган. Бу кўрсаткич 12.5 %ни ташкил этади.

Бизнинг фикримизча, эндиликда 3- курс талабалари орасида қадриятлар тизими ўзгариб, ўзгача тус олган. Сабаби уларнинг армон турлари ва армон кўрсаткичлари бошқа 1,2 курс талабаларидан анча фарқ қилади.

Ўқишга кеч кирганликларини армон деб билувчилар 6.2 % ни ташкил этади. Армоним йўқ деб айтганлар 12.5 % ни ташкил этади.

3-курс талабаларининг армонлари ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги гистограммаларни ҳосил қилдик.



3-расм. 3-курс талабаларидаги армон турлари.

Энди 4- курс талабаларининг армон ҳақидаги тасаввурлари билан танишиб чиқамиз.

4-курс талабаларининг армон ҳақида тасаввурлари

2.4 – жадвал

	Армон турлари	%
1	Буви- буважонларимизнинг дуоларини кам олганим	50%
2	Яқин кишимни йўқотганим	25%
3	Биринчи муҳаббатим	12.5%
4	Ўқишга кеч кирганим	12.5%


“Буви-буважонларнинг дуосини олиш” армони борлигини гуруҳ аъзоларининг ярмиси таъкидлаган. Яъни 50 % десак бўлади. Ўспирин улғайган сайин ўз авлодининг қадрига, ота-онасининг ота-онаси, яъни

буви-буважонларининг дуоларини кўпроқ олиш зарурлигини англайди. Бу эса “олтин олма дуо ол” - деган мақолни улар англаганининг белгисидир.

Яқин кишисини йўқотганликлари армон бўлган талабалар 25% ни ташкил этмоқда.

Биринчи муҳаббатлари армон деб билганлар 12.5% ни, ўқишга кеч кирганликлари армон деганлар 12.5 % ни ташкил этади.

Юқоридагиларнинг барчасини хулоса қиладиган бўлсак, ҳақиқатдан армон динамик хусусиятга эгадир. Биз талабаларнинг армонлари курсдан-курсга ўтган сайин ўзгариб боришини кузатдик. Нафақат улардаги кўрсаткич ўзгармоқда, балки уларнинг турлари ҳам ўзгариб бормоқда.



4-расм. 4-курс талабаларининг армон ҳақида тасаввурлари

Бизнинг фикримизча, курсдан-курсга ўтган сайин талабаларда кадриятлар тизими ўзгарган сари, улардаги армон ҳам ўзгариб, турланиб боради.

Боб бўйича хулосалар

Талабаларнинг армонларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик.

1- курсларда кўпчилик талабалар ўз армонини ўқиш билан боғлаб изоҳлашган. Бюджет асосида ўқишга қабул қилинмаганликлари, биринчидан, улар орасида бу армон турининг кўрсаткичи кўп. Иккинчидан, бу армон тури қолган курс талабаларида учрамаган.

3- курсда армон тури қисқарган.

4- курс талабаларидаги жавоблар шуниси билан аҳамиятлики, уларда армон, яъни буви- буваларидан олинган дуоларининг камлигидир. 4-курс талабаларида бу армон тури юқори кўрсаткични кўрсатмоқда.

4-курс талабалари орасида фанларни яхши ўзлаштирмасликлари билан боғлиқ армонни йўқ деса ҳам бўлади.

Умумий қилиб олганда, талабалар ўз орзуларига етишиш учун қилган ҳаракатларини қуйидагича баҳолашган. Баъзилар умуман, ҳеч қандай ҳаракат қилмаганликларини, тақдирга тан беришган бўлса, баъзилар қўлларида келган барча нарсани қилганликларини, энди эса ҳеч ҳам илож, имконият йўқлигини айтиб ўтишган бўлишса, баъзилари ҳали ҳам курашиш йўлида эканликларини айтиб ўтишган.

III БОБ. АРМОН МУРАККАБ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

3.1. Армоннинг тузилиши

Тадқиқотда Ч.Осгуднинг “семантик-дифференциал” методикаси орқали армонни тавсифловчи факторларни аниқлашга ҳаракат қилинди, олинган натижалар SPSS-11,5 for Windows программасида Пирсон формуласи орқали факторли таҳлил қилинди.

Армонни тавсифловчи 8 та фактор ажратилди.

1. “Орзунинг ушалиши ҳаракатсизлик” фактори

Ижобий қутби

- А) орзу ушалиши
Б) хоҳиш
В) хурсандчилик
Г) эҳтиёжни қондириш
Е) қувонч
Ж) мақсадга етишиш
З) баъзида хотирлаш

Салбий қутби

- А) ҳаракатсизлик
Б) орзуга етмаслик
В) надомат
Г) афсусланиш
Д) ҳеч нарсани истамаслик
Е) лоқайдлик
Ж) хотиржамлик

Бу ерда кўриниб турганидек, респондентларимиз армонни тавсифловчи асосий омил бу орзунинг ушалиши деб кўрсатилган, яъни улар армонни – орзу сифатида тавсифлаганлар. Бу ерда орзу ушалишини шахс хоҳлайди,

орзу ушалганлиги учун у хурсанд бўлади, эҳтиёжлари қондирилади, қувонади, мақсадга етади, у бу ҳақда баъзида хотирлаб қўяди.

Салбий қутб «ҳаракатсизлик» омилидан бошланади ва қуйидагиларни ўз ичига олади. Шахс орзуси армон бўлиб қолгандан сўнг у надомат чекади, афсусланади, ҳеч нарсани истамайди, лоқайд, хотиржам бўлиб қолади.

2. Ота-онага хизмат қилиш ва ширин ҳаёл фактори

Ижобий қутби

А) шахсни интилишга ундовчи куч

Б) эзгу ният

В) орзулар осмони

Г) хурсанд бўлиш

Д) истак

Е) баъзан ёд олиб туриш

Ж) ҳимояланишга эҳтиёж

Салбий қутби

А) хом ҳаёл

Б) бир хилда фикрлаш

В) хотиржамлик

Армонни тавсифловчи иккинчи фактор бу ота-она хизматини қилиш бўлиб, ижобий қутби қуйидагиларни ўз ичига олади: Шахс ота-онаси хизматини қилишга доимо интилади, бу унинг эзгу нияти, чунки яхши фарзанд ҳар доим ота-она хизматини қилай деб ният қилади. Бу унинг энг юксак орзуси, бу орзу амалга ошса хурсанд бўлади, буни у чин дилдан истайди, баъзан ота-онасининг хизматини қилай деб ёдга тушириб туради. Ота-онаси хизматини қилган фарзанд ҳимояланиш эҳтиёжини қондиргандек бўлади, бу ота-онаси дуосини олиш орқали содир бўлади.

Ушбу ширин хаёл факторининг салбий қутбида инсон хом хаёл суради, бир хилда фикрлайди, хотиржам бўлиб қолади.

3. Мақсадга етиш - афсусланиш фактори

Ижобий қутби

- А) орзунинг ушалиши
- Б) эзгу ният
- В) эҳтиёжларнинг қондирилиши
- Г) фантазия
- Е) ҳимояланиш эҳтиёж

Салбий қутби

- А) армон
- Б) надомат
- В) афсусланиш
- Г) ички руҳий туғён

Армонни тавсифловчи учинчи фактор мақсадга етиш деб номланади. Ушбу факторнинг ижобий қутбида шахс мақсадга етганлиги учун орзуси ушалади, унинг эзу нияти амалга ошади, унинг эҳтиёжлари қондирилади, фантазияси кучли бўлади, ҳимояланиш эҳтиёжи қондирилади. Учинчи факторнинг салбий қутби афсусланиш фактори бўлиб, шахс армонидан надомат чекади, ички руҳий туғённи бошидан кечиради.

4. Қайғу эҳтиёжнинг қондирилмаслиги фактори

Ижобий қутби

- А) пушаймонлик
- Б) ички туғён

Салбий қутби

- А) мақсадга етишмаслик
- Б) орзуга етишмаслик

Армонни тавсифловчи тўртинчи фактор қайғу деб номланиб, ижобий қутбида шахс пушаймон чекади, ички руҳий туғён кучаяди. Салбий қутби

эхтиёжнинг қондирилмаслиги факторидан бошланиб, шахс ўз олдига қўйган мақсадига эришмайди, орзуси амалга ошмайди.

5. Ўз ички салоҳиятини намоён қилиш хоҳламаслик фактори

Ижобий қутби

А) моддий эҳтиёжларнинг қондирилиши

Б) истак

В) фантазия (3,4,5,6,7 факторларга киритиш,) ушбу тушунчаларнинг мазмунининг тенглигини англатади.

Г) ички туғён (1,2,3,4,6,7) факторларни киритиш мазкур тушунчанинг кенг қамровли бўлиб, гоҳида ижобий, гоҳида салбий қутби киради

Салбий қутби

А) хоҳламаслик

Б) эҳтиёжнинг қондирилмаслиги

В) лоқайдлилик

Г) ҳимояланиш эҳтиёжининг пастлиги.

Армонни тавсифловчи бешинчи фактор ўз ички салоҳиятини намоён қилиш факторидир. Ушбу факторнинг ижобий қутби шахснинг моддий эҳтиёжларининг қондирилиши билан узвий боғлиқ. Шахс буни чин дилдан исташи лозим. Шахс ички салоҳиятини намоён қилиши учун унда кучли фантазия бўлиши билан бирга у ички руҳий туғённи бошидан кечиради. Фантазияни (3,4,5,6,7 факторларга киритиш) ушбу тушунчалар мазмунининг кенглигини англатади.

Худди шунингдек, ички руҳий туғённи (1,2,3,4,6,7) факторларга киритиш мазкур тушунчанинг кенг қамровли эканлигини, гоҳида ижобий, гоҳида салбий қутбга киради

6. Моддий эҳтиёжлар эътироф этилиш эҳтиёжларининг қондирилиши фактори

Ижобий қутби

А) моддий эҳтиёж

- Б) фаоллик
- В) ширин ҳаёл
- Г) армонсизлик

Салбий қутби

- А) ҳамиша ёдда тутиш
- Б) надомат

Армонни тавсифловчи еттинчи фактор моддий эҳтиёжлар бўлиб ўз ичига фаоллик, ширин ҳаёл суришни ва моддий эҳтиёжи қондирилган шахсларнинг армони бўлмаслигини англатади. Эътироф этилиш эҳтиёжлар қондирилишининг салбий қутби шахс жамият томонидан тан олинмаганлигини ҳамиша ёдда тутди, бундан у надомат чекади

7. Ҳаётдан қониқиш хотиржамлик фактори

Ижобий қутби

- А) шахсни интилишга ундовчи куч
- Б) фантазия

Салбий қутби

- А) ғамгинлик
- Б) ширин ҳаёл
- В) ҳимояланиш эҳтиёжининг қондирилмаганлиги

Армонни тавсифловчи навбатдаги фактор ҳаётдан қониқиш деб аталади. Ушбу факторнинг ижобий қутби ўз ичига интилишга ундовчи куч ва фантазияни олади. Хотиржамлик факторининг салбий қутби эса ғамгинлик ва ширин ҳаёл кабиларни ўз ичига олади.

8. Ҳимояланиш эҳиёжи армон фактори

Ижобий қутби

- А) ҳаётдан қониқиш индекси
- Б) эътироф этиш
- В) орзулар осмони


Салбий қутби

Армон

- 1) моддий эҳтиёж
- 2) Ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилиши
- 3) Хурсандчилик –
- 4) орзу ушалиши
- 5) қувонч

Юқорида кўриниб турганидек, армонни тавсифловчи сўнгги фактор бу ҳимояланиш эҳтиёжи бўлиб, бу фактор ўз ичига ҳаётдан қониқишни, эътироф этилишни ва орзуларнинг рўёбга чиқишини олади. Шахс бошқалар томонидан эътироф этилган сайин у ҳаётдан қониқа боради. Ушбу факторнинг салбий қутби ўз ичига моддий, ижтимоий эҳтиёжлар қондирилганда шахснинг орзуси ушалади ва у қувонади, хурсанд бўлади.

Шундай қилиб тадқиқот натижаларига кўра биз армоннинг моделини яратдик.



5-расм. Армон модели

3.2. Армон ва шахс хислатлари орасидаги боғланиш

Энди факторлар орасидаги корреляцион боғланишга эътиборингизни қаратамиз. 2-иловага эътибор берсак» моддий эҳтиёжлар» ва «эътироф этилиши эҳтиёжлари» орасида манфий боғланиш борлигини кузатиш мумкин $r = -0,424$, ($p < 0,01$), шахсда моддий эҳтиёжлар ортган сайин, эътироф этилиш эҳтиёжи камаяр экан. Жамият томонидан тан олинган шахслар учун моддий эҳтиёжлар қондирилмаса ҳам бўлар экан.

“Ўз ички салоҳиятини намоён қилиш эҳтиёжи” билан “моддий эҳтиёжлар” орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,357$, ($p < 0,05$), яъни шахс ўзидаги барча ички салоҳиятини намоён қилган сайин унинг моддий эҳтиёжлари қондирилиб боради.

“Ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилиши” ва “пушаймон” орасида ҳам манфий боғланиш мавжуд, $r = -0,340$, ($p < 0,05$). Шахс ижтимоий эҳтиёжини қондириб, ким биландир мулоқатга киришса, дардлашса, суҳбатлашган сайин у армони ушалмаганидан пушаймонлилигини баён этади.

“Эътироф этилиш эҳтиёжи” ва “лоқайдлик” орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,418$, ($p < 0,01$) Шахс эътироф этилиб, ҳамма томонидан тан олинган сайин, у лоқайд бўлиб борар экан. Унда мен ҳаммадан яхшиман, зўрман деган тасаввур пайдо бўлади, бу эса уни лоқайдликка олиб келади.

“Ўз ички салоҳиятини намоён қилиш” ва “истак” орасида мусбат боғланиш мавжуд, $r = 0,636$, ($p < 0,001$). Шахс ўз ички салоҳиятини қанчалик кўп намоён қилса, унинг истаклари кўпайиб, кўп амалга ошади.

“Орзунинг ушалиши” ва “афсусланиш” орасида манфий боғланиш мавжуд, $r = -0,444$, ($p < 0,001$) шахснинг орзуси қанчалик кўп ушалса, унда афсусланиш шунчалик камаяди. “Эҳтиёжнинг қондирилиши” ва “афсусланиш” орасида ҳам манфий боғланиш мавжуд, $r = -0,533$, ($p < 0,001$). Шахснинг эҳтиёжи қондирилган сайин, унда афсусланиш шунчалик кам бўлади.

“Ширин хаёл” ва “хурсанд бўлиш” орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,344$, ($p < 0,05$). Шахс қанчалик кўп ширин хаёл сурса, у шунчалик кўп хурсанд бўлади. «Хурсандчилик» ва «афсусланиш» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,398$, ($p < 0,5$), яъни шахс қанчалик кўп армони бажарилмаганидан афсусланса, хурсандчилик шунчалик кам бўлади. «Эзгу ният» ва «афсусланиш» орасида ҳам манфий боғланиш мавжуд, $r = -0,356$, ($p < 0,05$), яъни шахснинг эзгу нияти қанчалик кўп амалга ошса, у шунчалик кам афсусланади.

«Мақсадга етиш» ва «афсусланиш» орасида ҳам манфий боғланиш мавжуд $r = -0,585$, ($p < 0,01$). Шахс қанчалик кўп мақсадга етса, у шунчалик кам афсусланади. «Надомат» ва «афсусланиш» орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,432$, ($p < 0,01$). Шахс қанчалик кўп афсусланса, у шунчалик кўп надомат чекади.

«Ота- онанинг хизматини қилиш» ва «афсусланиш» орасида ҳам манфий боғланиш бор $r = -0,322$, ($p < 0,05$). Шахс қанчалик кўп ота- она хизматини қилса, у шунчалик кам афсусланади.

«Орзунинг ушалмаслиги» ва «истак» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,345$, ($p < 0,5$). Шахснинг орзуси қанчалик кўп ушалмаса, армони бўлса, унинг истаги шунчалик кўп бўлади.

«Орзунинг ушалиши» ва «хоҳиш» орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,735$ ($p < 0,01$). Шахс орзуси қанчалик кўп ушалса, унда янги орзулар, хоҳишлар, истаклар пайдо бўлаверади. «Орзунинг ушалиши» ва «мақсадга

етиш» орасида ҳам мусбат боғланиш бор, $r = 0,470$, ($p < 0,01$). Шахснинг мақсадга етиши бу унинг орзуси ушалишидир.

«Орзунинг ушалмаслиги» ва «шахсни интилишга ундовчи куч» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,536$, ($p < 0,01$). Орзунинг ушалмаслиги қанчалик кўп бўлса, унинг интилишга ундовчи куч, мотиви ҳам шунчалик кўп бўлади. «Орзунинг ушалмаслиги» ва «орзуим осмони» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,505$, ($p < 0,01$). Шахснинг армони қанчалик кўп бўлса, унинг орзуси осмони ҳам кўп бўлади.

«Орзусининг ушалиши» ва «эҳтиёжининг қондирилиши» орасида мусбат боғланиш бор $r = 0,831$ ($p < 0,01$). Шахснинг эҳтиёжи қанчалик кўп қондирилса, унинг орзуси шунчалик кўп ушалган ҳисобланади.

«Эҳтиёжнинг қондирилиши» ва «қувонч» орасида мусбат боғланиш бор $r = 0,521$, ($p < 0,01$). Шахснинг эҳтиёжлари қанчалик кўп қондирилса, у шунчалик кўп қувонади. «Эҳтиёжнинг қондирилиши» ва «хурсандчилик» орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,779$, ($p < 0,01$). Шахс эҳтиёжлари қанчалик кўп қондирилса, шунчалик кўп хурсанд бўлади.

«Эҳтиёжнинг қондирилиши» ва «ҳоҳиш» орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,647$, ($p < 0,01$). Шахс эҳтиёжлари қанчалик кўп қондирилса, шунчалик кўп ҳоҳишлари бўлади. «Мақсадга етиш» ва «эҳтиёжнинг қондирилиши» орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,617$, ($p < 0,01$). Шахс эҳтиёжлари қанчалик кўп қондирилса, у шунчалик кўп мақсадга етади.

«Эҳтиёжнинг қондирилмаслиги» ва «шахсни интилишга ундовчи куч» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,366$, ($p < 0,05$). Шахснинг эҳтиёжлари қанчалик кўп қондирилмаса, унда шунчалик кўп интилишга ундовчи куч бўлади. «Эҳтиёж қондирилиши» ва «надомат» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,516$, ($p < 0,01$). Шахснинг орзулари қанчалик кўп қондирилса, унда надомат шунчалик камаяди.

«Ички руҳий туғён» ва «эхтиёжнинг қондирилиши» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,358$, ($p < 0,01$). Шахс эҳтиёжлари қанчалик кўп қондирилса, ички руҳий туғён шунчалик камаяди.

«Эҳтиёжнинг қондирилмаслиги» ва «орзуим осмони» орасида манфий боғланиш мавжуд, $r = -0,434$, ($p < 0,01$). Шахс эҳтиёжларининг қондирилмаслиги унинг орзуси осмонининг ортишига олиб келади.

«Хурсандчилик» ва «қувонч» орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,549$, ($p < 0,05$). Шахс армони бўлмайд қанчалик кўп қувонса, у шунчалик кўп хурсанд бўлади. «Лоқайдлик» ва «қувонч» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,366$, ($p < 0,01$). Шахс лоқайдлиги қанчалик кўп бўлса, қувончи шунчалик кам бўлади.

«Ҳаётдан қоникмаслик» ва «қувониш» орасида манфий боғланиш мавжуд, $r = 0,445$, ($p < 0,01$). Шахс қанчалик кўп ҳаётдан қоникмаса, шунчалик кам қувонади. «Ғамгинлик» ва «шахсни интилишга ундовчи куч» орасида манфий боғланиш мавжуд, $r = -0,515$, ($p < 0,01$). Агар шахс армони кўп бўлиб ғамгин бўлса, унда интилишга ундовчи куч шунчалик кўп бўлади.

«Хоҳиш» ва «қувонч» орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,613$, ($p < 0,01$). Шахснинг хоҳишлари қанчалик кўп бўлса, шунчалик кўп қувонади. «Истак» ва «хом хаёл» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,383$, ($p < 0,01$). Истакнинг ортиши хом хаёлнинг камайишига олиб келади. «Эзгу ният» ва «хом хаёл» орасида манфий боғланиш мавжуд, $r = -0,556$, ($p < 0,01$). Шахсда эзгу ният ортган сайин хом хаёл камаяди.

«Ички руҳий туғён» ва «ширин хаёл» орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,346$, ($p < 0,05$). Инсон қанчалик кўп ширин хаёл сурса, унда шунчалик кўп ички руҳий туғён бўлади. «Баъзида эса тушиш» ва «хом хаёл» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,599$, ($p < 0,01$). Шахс қанчалик кўп хом хаёл сурса, эсга тушишнинг камайишига олиб келади.

«Орзуга етиш» ва «хом хаёл» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,477$, ($p < 0,01$) Шахс қанчалик кўп орзуга етишса, унда хом хаёл шунчалик камаяди. «Ота-онанинг хизматини қилиш» ва «хом хаёл» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,386$, ($p < 0,05$). Инсон қанчалик кўп ота-онаси хизматини қилса, унда хом хаёл шунчалик камаяди.

«Хурсандчилик» ва «хоҳиш» орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,680$, ($p < 0,01$). Инсоннинг хоҳиши қанчалик кўп амалга ошса, унда шунчалик кўп хурсандчилик бўлади. «Мақсадга етиш» ва «хурсандчилик» орасида ҳам мусбат боғланиш бор, $r = 0,513$, ($p < 0,01$). Шахс мақсадга етган сайин хурсанд бўлаверади. «Ички руҳий туғён» ва «хурсандчилик» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,437$, ($p < 0,01$). Шахсда ички руҳий туғён ортса, хурсандчилик камаяди.

«Хурсандчилик» ва «баъзида эсга тушиш» орасида мусбат боғланиш бор. $r = 0,463$, ($p < 0,01$). Хурсандчилик ортиши баъзида эсга тушишнинг ортишига олиб келади. «Пушаймон» ва «интилишга ундовчи куч» орасида манфий боғланиш мавжуд. $r = -0,322$, ($p < 0,05$). Шахсда интилишга ундовчи куч қанчалик кўп бўлса, унда пушаймон шунчалик камаяди. Ички руҳий туғён ва пушаймонлик орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,433$ ($p < 0,01$). Ички руҳий туғённинг ортиши пушаймонланишнинг ҳам ортишига олиб келади. Пушаймон ва қайғу орасида ҳам мусбат боғланиш бор. $r = 0,477$, ($p < 0,01$). Пушаймоннинг ортиши ва қайғунинг ортишига олиб келади.

Истак ва ота -онамнинг хизматини қилиш орасида мусбат боғланиш мавжуд, $r = 0,331$, ($p < 0,05$). Шахс қанчалик кўп ота- она хизматини қилган сайин унинг истаги ортиб боради. Истак ва баъзида хотирлаш орасида ҳам мусбат боғланиш мавжуд, $r = 0,349$, ($p < 0,05$). Шахс истаги қанчалик кўпайган сайин, уни баъзида хотирлаш ҳам ортиб беради. Истак ва шахсни интилишга ундовчи куч (мотив) орасида ҳам мусбат боғланиш бор, $r = 0,406$, ($p < 0,05$). Шахсда истак ортган сайин, унда бу истак эришув учун

мотив ҳам кучайиб боради. Истак ва эзгу ният орасида ҳам мусбат боғланиш мавжуд, $r = 0,398$, ($p < 0,05$). Шахсинг эзгу нияти қанчалик кўп бўлса, истаги ҳам шунчалик кўп бўлади.

«Истак» ва «хоҳламаслик» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,391$, ($p < 0,05$). Истак ортгани сайин, хоҳламаслик камаяди.

«Шахсни интилишга ундовчи куч» ва «хоҳламаслик» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,0536$, ($p < 0,01$). Шахсда мотив қанчалик кучли бўлса, унда хоҳламаслик шунчалик камаяди. «Орзуга етишиш» ва «хоҳламаслик» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,536$, ($p < 0,01$). Шахс орзусига етишни қанчалик кўп хоҳласа, унда хоҳламаслик шунчалик камаяди.

«Эзгу ният» ва «шахсни интилишга ундовчи куч» орасида мусбат боғланиш мавжуд, $r = 0,323$, ($p < 0,05$). Шахсда эзгу ният қанчалик кўп бўлса унда интилишга ундовчи куч ҳам шунчалик кўп бўлади.

«Ота -она хизматини қилиш» ва «эзгу ният» орасида мусбат боғланиш мавжуд, $r = 0,593$, ($p < 0,01$). Шахс қанчалик кўп ота- онаси хизматини қилса, унинг эзгу нияти шунчалик кўп амалга ошади.

«Мақсадга етиш» ва «надомат» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,606$ ($p < 0,01$). Шахсга мақсадига етган сайин, унда надомат камаяди. «Ички руҳий туғён» ва «мақсадга етиш» орасида ҳам манфий боғланиш бор, $r = -0,639$, ($p < 0,01$). Шахс кўзлаган мақсадга етган сайин унда ички руҳий туғён камаяди. «Мақсадга етиш» ва «қайғу» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,404$ ($p < 0,05$). Шахс кўзлаган мақсадга етгани сайин унда қайғу камаяди.

Шахсни интилишга ундовчи куч ва ички руҳий туғён орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,321$, ($p < 0,05$). Шахс орзусига эришиш учун қанчалик кўп ҳаракат килиб, унга интилса унда ички руҳий туғён камайиб боради. Шахсни интилишга ундовчи куч ва ҳаётдан қониқиш орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,377$, ($p < 0,05$). Шахсда ҳаётдан қониқиш

қанчалик кучли бўлса, унда интилишга ундовчи куч (мотив) ҳам шунчалик кучли бўлади.

Боб бўйича хулосалар

Шахсни интилишга ундовчи куч ва орзуга етишиш орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,504$, ($p < 0,01$). Инсон орусига қанчалдик кўп етишса унда бу орзуга етиш учун ундовчи куч ҳам шунчалик кучли бўлади.

«Ички руҳий туғён» ва «надомат» орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,406$, ($p < 0,05$). Шахсда армони кўп бўлиб ички руҳий ортган сайин, надомат ҳам ортиб боради. «Надомат» ва «қайғу» орасида ҳам мусбат боғланиш бор, $r = 0,369$, ($p < 0,01$). Шахсда қайғу ортган сайин, надомат ҳам ортиб боради.

«Ҳаётдан қониқиш» ва «ички руҳий туғён» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,358$, ($p < 0,05$). Шахс ҳаётдан қанчалик кўп қониқса, унда ички руҳий туғён шунчалик кам бўлади. «Ички руҳий туғён» ва «қайғу» орасида мусбат боғланиш бор, $r = 0,340$ ($p < 0,05$). Шахс қайғуси кўпайган сайин ички руҳий туғёни ҳам ортиб боради.

«Баъзида хотирлаш» ва «фаоллик» орасида манфий боғланиш бор, $r = -0,503$ ($p < 0,01$). Шахс қанчалик фаол бўлган сайин баъзида хотирлаш камайиб боради.

Шундай қилиб, шахс армони мураккаб категория бўлиб, унинг моделида фаоллик, ҳиссиёт, моддий эҳтиёж ва ҳимояланиш эҳтиёжи намоён бўлади.

ХУЛОСА

Ўтказилган назарий ва амалий тадқиқотнинг натижасида қуйидаги хулосаларни чиқаришга қарор қилдик.

Биринчидан, армон - бу инсоният билан ёнма-ён яшайдиган ўтган ҳаётдан хулоса чиқарган ҳолда кейинги ҳаёти равнақи учун ҳаракат қиладиган, ушалмаган орзулари сари дадил интилишга кўмак берадиган рухий кучдир.

Бизнинг таърифимизча, армон – бу инсониятнинг ижтимоий - тарихий тараққиётида якка шахсни гоҳ англанилган, гоҳо англанилмаган тарзда маълум хатти- ҳаракатларга ундовчи, субъектив омиллар таркибидан ажралиб чиқувчи, унинг ҳаловатини узлуксиз равишда бузувчи, ҳамиша интилишларга ундовчи, босқичли тузилишига эга бўлган феноменал ҳодиса армон деб аталади.

